

ТОШКЕНТ ХАЖАЛИК ВА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

1992 йил 26 декабрь, • шанба

№ 176 (10.425). Баҳоси 3 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ ВА ХУЖАЛИК ҚУРИЛИШИ
(«ЎЗСАНОАТХУЖАЛИКҚУРИЛИШ») ДАВЛАТ КОРПОРАЦИЯСINI
ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида саноат ва хўжалик қурилиши бошқарувини ташкил этиш самарадорлигини ошириш, қурилиш ташкилотлари ва корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватини кучайтириш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, инвестиция дастурларини амалга ошириш чоғида ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қурилиш вазирлиги тугатилсин.
Тугатилаётган вазирлик таркибига кирган пудрат ва ихтисослаштирилган қурилиш трестларининг, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг ихтиёрийлик асосида Ўзбекистон саноат ва хўжалик қурилиши («Ўзсаноатхўжаликқурилиш») давлат корпорациясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон саноат ва хўжалик қурилиши давлат корпорацияси:

саноат ва хўжалик иншоотлари қурилишини таъминлайдиган барча мулкчилик шаклидаги қурилиш ташкилотларини, бинокорлик саноати корхоналарини, транспорт, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари ҳамда ихтисослаштирилган бошқа ташкилотларни акционерлик қондалари асосида ихтиёрий равишда бирлаштирадиган;

юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуни, Вазирлар маҳкамаси тасдиқлайдиган корпорация уставини асосида амалга оширадиган;

Ўзбекистон Республика-

сининг Қурилиш вазирлиги илгари тузган барча шартномалар ва қабул қилган мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлади;

Бевосита корпорация таркибига кирувчи бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг давлат мулкчилиги бошқаради, уларни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда белгиланган тартибда иштирок этади.

3. Қуйидагилар «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси фаолиятининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

саноат ва хўжалик иншоотларини барпо этиш ҳамда уларни қайта қуриш бўйича корпорацияга кирган компаниялар, корхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

инвестиция соҳасида ягона илмий-техникавий ва норматив сиёсатни ўтказиш, инвестиция циклининг тубдан қисқаришини таъминлайдиган қурилиш ҳамда бинокорлик конструкциялари тайёрлаш янги технологияларини ишлаб чиқиш;

иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш масалаларида илғор тажрибани ўрганиш ва ёйиш;

қурилиш машиналари, механизмларини, транспорт воситалари ҳамда махсус ускуналарни ишлаб чиқариш, фойдаланиш ва таъмирлашни ташкил қилиш;

инвестиция соҳасида бозор муносабатларини кенг жорий этиш, пудрат ишлари бозорини вужудга келтириш, қурилиш ишларини бошқаришнинг илғор, иқтисодий усулларига ўтиш, давлатга қараш-

ли пудрат қурилиш ташкилотларини ҳамда қурилиш саноати корхоналарини бошқа мулкчилик шаклларида айлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

Бинокорлик материаллари ва конструкцияларини, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмларни етказиб берувчилар билан бевосита шартномавий муносабатларини ўрнатишда корпорация таркибига кирган корхоналар ва ташкилотларга кўмаклашиш, энг муҳим халқ хўжалиги иншоотлари қурилишини белгиланган тартибда маълум миқдорларда ажратиб бериладиган моддий-техника ресурслари билан таъминлаш;

корпорацияга кирган корхоналар ва ташкилотлар тадбиркорлик фаолияти ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишларида, хорижий шериклар ва мустақил давлатлар ҳамдустлиги мамлакатларидаги корхоналар билан қўшма корхоналар барпо этишда уларга амалий ёрдам бериш.

4. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида Ўзбекистон саноат ва хўжалик қурилиши («Ўзсаноатхўжаликқурилиш») давлат корпорациясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалаларига оид қарорни қабул қилиб, корпорациянинг тузилмаси ва уставини тасдиқласин.

Ўзбекистон
Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 25 декабрь.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

XXI чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг ўн иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Кун тартиби тасдиқлангандан сўнг ташкилий масалалар муҳокама қилинди. А. С. Ибобекор вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тасдиқланди. Ш. Н. Маҳмудова бошқа ишга ўтганлиги сабабли ана шу вазифадан озод этилди. А. А. Абдусоқов вилоят ҳокимининг ўринбосари этиб тасдиқланди. Сессия Т. М. Мирёкубовни бошқа ишга ўтиши муносабати билан вилоят ҳокимининг ўринбосари лавозимидан озод этди.

Сессияда Тошкент вилоят Ҳокими С. Д. САЙДАЛИЕВ «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияси якунлари ва вилоят ҳокимлигининг 1993 йил ва келажакдаги вазифалари, режалари тўғрисида» маъруза қилди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда Бекобод шаҳар ҳокими Э. РЎЗИЕВ, Уртачирчиқ районидagi «Роваток» жамоа хўжалигининг раиси М. УБАЙДУЛЛАЕВ, Бекобод районидagi «Далварзин» давлат хўжалигининг директори М. СУЛТОНҚУЛОВ, Қуйичирчиқ район ҳокими Р. КАРИМОВ, Ангрен шаҳар педагогика институтининг ректори Н. ИБРОҲИМОВ, Оҳангарон цемент заводининг ишчиси Ю. ГОМОНОВлар сўзга чиқдилар.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А. МУТАЛОВ нутқ сўзлади. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси конституциявий назорат қўмитасининг раиси, академик Ш. З. УРАЗАЕВ ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ташкилий бўлими мудир Б. Д. ХУСАНБОВЕВ ўртоқлар қатнашдилар.

Муҳокама қилинган масала бўйича сессия тегишли қарор қабул қилди.

(Сессия ҳақидаги ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонидa эълон қилинади).

ҚУТЛУҒ САНА НИШОНЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти жамоасининг қишлоқ хўжалиги, айниқса, унинг етакчи тармоғи-пахтачиликни ривожлантиришга қўшган ва қўшаётган ҳиссаси беқиёсдир. Мана, 60 йилдирки институт олимлари ва мутахассислари қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун мўлжалланган ва ривожлантиришга хизмат қилади-

ган янги машиналар, технологиялар яратиш, юзлаб машина-механизмларни синовдан ўтказиш, уларни тақомиллаштириш ва деҳқончиликда самарали фойдаланиш муаммолари билан шуғулланиб келишяпти.

Ҳозирги вақтга келиб институт жамоасининг илмий изланишдаги муваффақиятлари жаҳон миқёсида ҳам маълум ва машҳур бўлиб кетди. У илмий ходимларининг йирик ўчоғи ҳам

ҳисобланади. Институт баридa 4 академик, 8 фан доктори ва 280 дан ортиқ фан номзоди етишиб чиқди.

Вилоятимиздаги бу йирик илм даргоҳининг 60 йиллик санасининг тантанали нишонланishi ҳам илмгоҳ жамоасининг Ватанимиз олдидаги катта хизматларини эътироф этишнинг бир шакли бўлди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантаналарда Урта Осиё республикалари ва Қозоғистондан ҳамкасб вакиллар ҳам қатнашдилар.

Ингилишда институт директори, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги А. Ҳожиев институт жамоасининг олтинчи йил давомида

босиб ўтган шонли йўли ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг институти бир гуруҳ ходимларига шарафли унвонлар ва Фахрий Ерлиқлар бериш тўғрисидаги Фармони ўқиб эшиттирилди.

Институт жамоасини шонли сана билан Тошкент вилояти Ҳокими С. Сайдалиев табриклади. Республика Қишлоқ хўжалик Фанлари академияси Президенти А. Имомалиев, Республика Вазирлар Маҳкамаси кичик бўлими мудир К. Ҳайдаров, бошқа республикалардан келган меҳмонлар ҳам жамоани шонли сана билан қизгин муборакбод этдилар.

КИТОВХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Тошкент Давлат дорилфунуни маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласига бағишланган китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман Тошкент Давлат дорилфунуни, Ўзбекистон Республикаси фалсафа жамияти, илм-маърифат уюмлари ва педагогика жамиятининг ташаббуси билан ўтказилди.

Нотиқлар рисола чинакам ҳуқуқий давлат бунёд этиш йўлидан бораётган Ўзбекистонимиз учун жуда катта сиёсий ва тарбиявий аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидладилар.

(ЎЗА).



КЎРШТ, ТОМОША ҚИЛИНТ

Душанба, 28. XII

УзТВ I

- 7.00 «Узбекистон» ахбороти.
7.30 «Тошкент. Эски шаҳар лавҳалари».
7.50 «Оловиддиннинг соҳри чироғи».
9.10 «Ешлик» студияси кўрсатади.
18.00 Янгилликлар.
18.10 «Акасро».
18.30 Болалар учун.
19.00 «Узбекистон» ахбороти.
19.20 Илҳом Иброҳимов куйлайди.

- 19.50 Узбекистон халқ шoirи Қуддус Муҳаммадий ижодхонасида.
20.30 «Узбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Шаҳар бедарвоза эмас».
21.40 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари.
22.10 «Ғаройиб бола».
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

- «ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун.
20.00 «Лаҳза».
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Лаҳза».
20.35 «Сиздан угина, биздан бугина».
«ОРБИТА IV»

- 5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Яқунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгилликлар.
9.20 Халқ куйлари.
9.35 «Тинглаб, томоша қилинг...».
9.55 Қадимий сахий эртаклар.
11.10 «Янги авлод танлайди».
12.00 Янгилликлар.
12.20 «Субҳиддам лаҳзаларининг белгиси».
15.00 Янгилликлар.
15.25 «Телемикст».
15.55 «Ен дафтар».
16.00 «Билмасвойнинг саргузаштлари».
17.05 «Стартинэйджер».
17.50 «Технодром».

- 18.00 Янгилликлар.
18.25 «Иқболи кулганда».
19.05 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
19.25 «Гол».
19.55 «Бувижонларимиз нима-лардан кулгангани».
20.40 Хайри туй, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгилликлар.
21.25 «Спорт уик-энд».
21.40 «Турмуш икир-чикирлари».
22.10 «Янги студия» таништиради.
«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.

- 8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Рост» студияси.
9.15 «Интернук-шоу».
10.20 Маза, таътиллер.
11.40 «Параллеллар».
11.55 «ТИНКО» Савдо уйи.
12.00 Мульти-пульти.
12.10 Кундузги сеанс.
13.45 «Дехқонларга тааллуқли масала».
15.55 Россияда бизнес.
16.25 «Рост» студияси.
16.55 Янгилликлар.
17.10 Трансросэфир.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Эълонлар.
18.25 Ноғиронлар ижодиёти I Бутунроссия фестивали.
18.55 Маза, таътиллер.
19.25—22.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
22.50 Душанба кунини детектив «Иможен».

Сешанба, 29. XII

УзТВ I

- 7.00 «Узбекистон» ахбороти.
7.25 «Вулқонлар дийри».
7.55 Болалар учун фильм.
9.15 Усмрлар учун.
18.00 Янгилликлар.
18.30 «Декабрь».
18.25 «Нега киш бўлади».
18.55 «Спортлото».
19.00 «Узбекистон» ахбороти.
19.20 Узбек куйларидан концерт.
19.50 «Чётқол чўққилари».
20.00 «Хайр, Олимпиада йили».
20.30 «Узбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Узбекистон жаҳонга юз тутмоқда».

- 21.20 «Сиз кутган дақиқалар».
22.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари.
22.50 «Шаҳар таронаси».
00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

- «ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Енгиндан эҳтиёт бўлинг».
19.00 «Шарқ лирикаси».
19.20 «Суперспорт».
20.05 «Кутилмаган ташриф».
20.45 Эълонлар.

«ОРБИТА IV»

- «Питер Пэн». 1-серия.
11.25 «Турмуш икир-чикирлари».
12.00 Янгилликлар.
12.20 «Д'Артаньян ва уч мушкетер».
13.45 «Мушук Леопольд тушида ва унгада».
13.55 «Фаворит».
15.00 Янгилликлар.
15.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси».
15.40 «Ен дафтар».
15.45 Д. Шостакович.
16.10 «Билмасвойнинг саргузаштлари».
17.05 «Рождество мусликий эртаги».
17.50 «Мушук Леопольдининг ёзи».
18.00 Янгилликлар.

- 18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Қалбнинг ҳарорати» кўрсатувини таништиради.
18.55 «Қанотли, паҳлоқ ва мойли...».
19.05 «Эдемга қайтиш».
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайри туй, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгилликлар.
21.20 «Кинопанорама»нинг байрам сони.
23.20 «Шеърят альбому».
23.40 Тула Давлат хорининг концерти.
24.00 Янгилликлар.
00.40 Журналистлар текшируви.
«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Ретро. Л. Миров ва М. Новицкий.

- 9.30 Ишдан бўш пайтингда.
9.45 «Ғап-ғаштаклари кўшсаб».
10.15 Маза, таътиллер.
11.35 Танаффус.
11.40 Кундузги сеанс.
13.10 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.15 «Дехқонларга тааллуқли масала».
15.55 «Телебиржа».
16.25 «Тану жоним».
16.55 Янгилликлар.
17.10 Трансросэфир.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Эълонлар.
18.25 Маза, таътиллер.
18.55 «Эдемга қайтиш».
18.55—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 «Қора кўроз йили».
23.20 «Афсунгар йил».

Чоршанба, 30. XII

Бугун Тошкент шаҳрида Узбекистон Республикаси ички ютуқлар заъми тиражи уйналади...

УзТВ I

- 7.00 «Узбекистон» ахбороти.
7.25 «Бухороча эртак».
8.00 «Качал половон».
9.00 «Замин қалбига қўлоқ тут».
9.30 «Забм-92».
10.30 «Мафтунингман».
11.50 «Нафосат гулдастаси».
12.30 Телефильм.
13.00 «Забм-92».
17.00 «Забм-92».
18.00 Янгилликлар.
18.10 «Қор бола».
18.30 Болалар учун.

- 19.00 «Узбекистон» ахбороти.
19.20 «Оламга сайҳат».
20.00 Лирик концерт.
20.30 «Узбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Маҳаллада дув-дув гап».
22.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари.
22.50 «Забм-92» тиражининг яқунлари.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

- «ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Уолт Дисней таништиради...».
19.20 «Рақслар, рақслар, рақслар».
20.20 «Олимпиада одиссеяси».
21.20 Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида.

«ОРБИТА IV»

- 6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгилликлар.
9.20 В.-А. Моцарт.
9.35 Қадимий сахий эртаклар.
10.45 «Нима! Қарда! Қачон!».
12.00 Янгилликлар.
12.20 «Д'Артаньян ва уч мушкетер».
13.55 «Фаворит».
15.00 Янгилликлар.
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ен дафтар».
16.15 «Билмасвойнинг саргузаштлари».
17.10 «Қизлар орасидаги сир».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгилликлар.
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.

- 18.50 «Миниатюра».
19.05 «Эдемга қайтиш».
19.55 «Тасвирадаги суврат».
20.40 Хайри туй, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгилликлар.
21.25 «Катта Янги йил оқшоми».
22.35 Д. Хворостовский опера-лардан ариялар ижро этади.
23.25 «Хайр, фалсафа».
24.00 Янгилликлар.
00.40 «50x50» программасининг Янги йил дискотекаси.
«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Асил ҳолича».
9.50 «Параллеллар».
10.05 Маза, таътиллер.

- набира».
11.15 «Арт-обстрел».
12.15 Кундузги сеанс.
13.05 Ишдан бўш пайтингда.
13.20 «Абзац».
13.50 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.55 «Дехқонларга тааллуқли масала».
15.55 «Бизнес: янги номлар».
16.10 «Рост» студияси.
16.40 Янгилликлар.
16.55 Трансросэфир.
17.40 Парламент хабарномаси.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 Эълонлар.
18.25 Христианлар учун кўрсатув.
18.55 Маза, таътиллер.
19.25—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 «Шарман-шоу».
23.40 Спорт кўрсатув.
23.45 «Вариацияли мавзу».
00.35 «Дказ-фильмист-холл».

Пайшанба, 31. XII

УзТВ I

- 7.00 «Узбекистон» ахбороти.
7.25 Санъат оламида.
8.10 «Янги йил эшик қоқмоқда».
9.10 «Цирк! Цирк! Цирк!».
9.55 Болалар учун фильм.
11.20 «Томоша».
18.00 Янгилликлар.

- 18.10 «Баджаҳл Бамбр».
18.30 Болалар учун.
19.00 «Узбекистон» ахбороти.
19.20 «Халқ куйларини қалб-бингда асра».
19.50 «Аския».
20.30 «Йилнома».
21.10 «Мустақиллик мубораки».

- 22.00 «Янги йилнингиз қутлуғ бўлсин!».
23.50 Янги йил қутлови.
00.05 Янги йилнингиз қутлуғ бўлсин!
18.30 «Шарқ калейдоскопи».
19.10 Болалар учун.

- 19.55 «Пульс».
20.10 «Спринт».
20.30 «Йилнома».
21.10 «Бу оқшомда».
22.50 «Эсдалик учун дастхат».
23.50 Янги йил қутлови.
00.05 Эълонлар.
«ОРБИТА IV»
5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгилликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».

- 9.00 Янгилликлар.
9.20 «Эпизодлар».
9.40 «Кидди-Видди».
9.55 Қадимий сахий эртаклар.
11.10 «Сайҳатчилар клуби».
12.25 «Д'Артаньян ва уч мушкетер».
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
(Давоми 7-бетда).



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ, УЧУН!

ТАБИАТ ИНСОН

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚҮМИТАСИ САҲИФАСИ

БИР ГЕКТАР ЎРМОН

Ўрмон... Унинг атроф-муҳитга, иқлимга ижобий таъсири ҳақида, тупроқнинг ҳосилдорлигини ошириш, емирилишининг олдини олиш, тупроқ ва ҳавода сув режимини тартибга солишдаги, умуман радиация таъсирига камайириши ва бошқа шу каби битмас-туғалмас фазилатлари ҳақида жуда кўп ўқигансиз. Кўпчилик ўсимликлар, айниқса, игнабаргли дарахтлар кўп миқдорда фунгицидлар ажратадилар, бу инсонлар ва ўсимликларда турли касалликлар келтириб чиқарадиган микробларни ҳалок қилади.

Айрим дарахт навларидан иборат бўлган ҳар бир гектар ўрмоннинг айрим хусусиятлари ҳақида кўйидагилар билан танишасиз:

● Бир гектар қорақарағай ўрмони бир йилда 32 тоннагача чангни ютади. Оддий қорақарағайзорнинг бу соҳадаги кўрсаткичи янада юқорироқ бўлиб, 35 тоннани ташкил этади. Бир гектар майдондаги дуб дарахти 54 тонна чангни ютади, қора қайнзор эса сал кам олтинчи тонна саломатлик зараркундаси бўлган шундай зарарли моддани «ҳазм» қилиб юборади.

● Дарахтлар кислород ва карбонат ангидрид газининг нисбатини тенглаштиришда муҳим роль ўйнайди. Агар қорақарағай ўрмони карбонат ангидрид газини 100 фоиз ютади десак, япроқли дарахтлар эгаллаган бир гектар майдоннинг бундай фойдали хусусияти 120 фоиз, қорақарағайники 160 фоизни, тол экилган майдонники эса... 700 фоизга боради.

● Бир гектар ўрмон бир соатда 8 литр карбонат ангидрид кислотаси ютади, бу 200 киши нафас чиқараётган вақтдаги газ миқдорига тенгдир.

Мутахассис минбари

ЛОЖУВОРД осмон, кўркам замин, соғлом инсон. Қандай ажойиб, эртан каби гўзалу, лекин ҳозирги пайтда фақат орауга айланган сузлар! Биз кимёгарлар ҳам ихтиёрсиз равишда экологик мувозанатни бузишга кўп йиллар мобайнида ўз ҳиссамизни қўшиб келдик. Энди фаолиятимиз аччиқ мевасини татиб, жабрини тортишга мажбур бўлаётимиз. **Атроф-муҳит ифлосланганининг асосий омилларидан бири унинг кимё сановати чиқиндилари билан тўлиб-топганлигидир.**

Кимёгар ижодкорлар ўз вақтида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориб, янги технологиялар яратишганда, бу технологик жараёнлар натижасида ҳосил бўладиган чиқиндилар масаласини ҳам ижобий ҳал этиш йўллари уйлаб топганларида, ҳозирда Чирчиқ «Электромашинпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишқорли, Олмалиқ кимё заводининг фосфор-фторли гипс чиқиндилари ва бошқалар ер, ҳаво, сув, яъни тирик табиати, улар орқали инсон организмни заҳарламаган, тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётмаган бўлар эди.

Халқимиз «Ўзингдан чиққан балога, қайта борасан давога» деганидек, эндиликда она табиатни заҳарли сановат чиқиндиларидан тозалаб, уларни инсон фойдасига ишлатиш масаласини биз кимёгарлар ҳал қилмасак, ким ҳал қилади. Бу борада йиллар мобайнида ҳеч ким ўйламади, олимларимиз қўл қовуштириб ўтирдилар дейиш ҳам ҳақиқатга тўғри келмаган фикр бўлур эди.

Республикамизда кимё сановати чиқиндиларини қайта ишлаш борасида олиб борилаётган самарали илмий изланишлар орасида фосфор кислотасини экстракция усулида олиш жараёнида ҳосил бўлувчи чиқинди — фосфогипсдан қурилиш материаллари олиш бўйича қилинган ишлар диққатга сазовордир. Ҳозирда ушбу чиқиндидан ҳосил бўлган осмонупар «сунъий тоғлар» Олмалиқ шаҳри атрофини ўраб, кўкка «оксалиб» ётибди.

Илгари Ўзбекистонда ҳам фосфогипс қайта ишлаш бўйича кўпгина йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилган бўлишига қарамай, амалда улардан деярли ҳеч бири рўёбга чиқмади. Бунинг сабаби қисман айрим яратилган технологияларнинг мураккаблиги, кўп маб-

лағ ва меҳнат сарфлашни талаб қилишида бўлса, қисман фосфогипс кўп миқдор ишлатишга имкон йўқлигида эди.

Кейинги йилларда яратилган улкан самарадор технологиялардан бирининг Ватани — бизнинг Ўзбекистон бўлди. У фосфогипснинг нисбатан паст 1200—1300 даража ҳароратда қуйдириб,

рини яратиш имконини бериш билан бирга катта иқтисодий самара келтиришини ҳам таъкидлаб ўтганман.

Афсуски, бизнинг кўп йиллик илмий изланишларимиз натижаси тажриба-синов ишларидан нарига ўтмапти. Ангрен қурилиш материаллари комбинатида 1986 йилда чиқарилган сульфосооминат — силикатли цементнинг синов-тажриба партиялари Тошкентдаги қатор бетон ва темир-бетон заводларида ва Чирчиқдаги қурилиш материаллари заводида муваффақиятли синовдан ўтгандан сўнг Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги раҳбар органларининг қарорига мувофиқ Ангрен қурилиш материаллари

фосфор кислотаси олиш учун зарур бўлган сульфат кислотасини ташқаридан келтиришга зарурият қолмаган бўлар эди. Натижалар ижобий, техник ҳужжатлар тахт, лойиҳа деярли тайёр бўлишига қарамасдан, капитал маблағ етишмаслиги туфайли завод фосфогипс парчалаб олтингугурт газини ва цементга қўшилма ишлаб чиқарувчи цех қурилиши тўхтатиб қўйилди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Фанлар академияси ўғитлар илмгоҳи қошида ташкил қилинган «ХИМТЕХСИС» фирмасининг бир гуруҳ ходимлари биргаликда фосфогипсдан ҳар хил маҳсулотлар олиш йўллари такомиллаштириш устида ишлашяпти. Бу ишда кампанга ҳам қатнашяпман. Натижада, ундан бир йўла аммоний сульфат, сувда ҳам, ҳавода ҳам яхши қотувчи романцемент олиш имкониятини аниқладик. Ярим сувли фосфогипсдан юқори босим билан сиқиб орқали анча юқори мустаҳкамликка эга бўлган, қурилишда ишлатишга яроқли пишмаган фишт олиш бўйича тадқиқот натижаларимиз Яланғочдаги фишт заводида синаб қурилганга ижобий натижа берди. Ҳозир ҳам фиштинг мустаҳкамлик даражасини ошириш устида иш олиб боряпмиз. Умид қиламизки, яқин йиллар ичида шаҳримизда фосфогипсдан тайёрланган оппоқ фиштлардан қурилган уйлар қад кўтарди.

Атроф-муҳитнинг мусоффолиги муаммоларини ижобий ҳал қилиш йўлида биз олимлар бундан кейин ҳам қўлимиздан келган чораларни кўрамиз, тинчмасиз тадқиқотлар ўтказамиз. Уларнинг натижалари амалда тадбиқ этилиши эса ишлаб чиқариш раҳбарлари ва мутасадди ходимларга боғлиқ. Ўйламанки, ишлаб чиқариш бир-бирига мутаносиб равишда равишда топса, бунда фақат хазрати ИНСОН ютади.

М. ИСКАНДАРОВА,
техника фанлари номзоди.

ФОСФОГИПС— ХОМ АШЁ

боғловчи моддаларнинг илгор тури бўлиши сульфосооминат-силикатли (САС) цемент олиш технологиясидир. Тошкент кимё-технология олийгоҳи профессори, техника фанлари доктори Т. О. Отақўзиев ва унинг шоғирдлари томонидан яратилган бу технология бекиёс фазилатларга эга бўлиб, хом ашё, ёнилғи ва электр қувватини тежашга имкон беради.

Мен кейинги 15 йил мобайнида илмий-техник ойнамаларда чоп эттирган қатор мақолаларимда ушбу цементнинг ажойиб хусусиятлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтганман, бу цементнинг одатдаги оқ, кулранг ва рангли портланд цементларга махсус қўшимча сифатида ишлатиш цемент мустаҳкамлигини ошириш ва унинг таннархини арзонлаштириш, мустақил Ўзбекистонда цементнинг кенгаювчи, таранглашувчи, тузлар ва совуқ таъсирига чидамли каби махсус турла-

комбинати 1988 йил охиридан бошлаб тўла равишда чиқинди фосфогипс асосида паст ҳароратда пишувчи САС ҳамда аралаш оқ рангли цементлар ишлаб чиқаришга ўтиши лозим эди. Аммо Иттифоқда бошланган қайта қуриш ва ширкатлар тузиш жараёни «ша-рофати» билан қарорлар амалга оширилмай қоғозда қолиб кетди.

Юқори самара келтирувчи, бироқ амалда қўлланмай қолган яна бир технология устида тўхташ ўринлидир. Бу юқоридеги муаллифлар томонидан яратилган, фосфогипснинг 1250—1300 даражада қисман парчалаб, олтингугурт газини ва цементга қўшимча сифатида ишлатиладиган тошқоясимон бирикма олиш технологиясидир.

Бу технология амалда қўлланилган тақдирда, Олмалиқ кимё заводида ёпиқ технологик жараён ташкил қилиш, шу билан бирга фосфоритларни парчалаб

ОРТИҚЧАСИГА ЖАРИМА ТўЛАШАДИ

ТУМАНИМИЗ сановат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, давлат ва жамоа хўжаликлари ва муассасаларида Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Табиий муҳитга ифлослан-тирувчи моддаларни нормадан кўп чиқарганлик (ташлаганлик) ва чиқитларни жойлаштирганлик учун ҳақ тўлашни жорий қилиш тўғрисида»ги қаро-

рини тушунтириш ишлари кенг кўламда олиб борилаётганда, бу қарор экологик аҳволни яхшилаш учун катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланмоқда.

Шу қарор асосида барча корхона ва хўжаликлардаги экологик аҳвол, уларнинг атроф-муҳитни ифлослан-тиришга «қўшаётган ҳисса»лари обдон ўрганиб чиқилди. Шу нарса аниқландики, уларнинг деярли ҳаммасида табиатга норма-

дагидан ортиқча зарар етказилмоқда, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва оқава сувлар белгиланганидан кўпроқ бўлмоқда. Биз буларни ҳисобга олиб, табиий муҳитга ифлослан-тирувчи моддаларни кўп чиқарганлик учун жарима тўлайдиган жамоалар рўйхатини тузиб чиқдик. Шунга мувофиқ чиқиндилар бўйича «Ўзбекистон 5 йиллиги» давлат хўжалиги синов-механика заводи, ремонт ишлаб чиқариш корхонаси, 81-автотранспорт корхонаси, туман автомобиль йўллари бошқармаси, нон

комбинати ва бошқа корхона ва хўжаликлар анчагина миқдорда жарима тўлашлари аниқланди. Бу жамоалар эътиборига етказилди.

Айни вақтда қатор корхоналар ва хўжаликлар ўзларининг оқава сувлари билан сув ҳавзаларини ифлослан-тирувчи. Бу соҳада «Сирғали» ижара корхонаси, Уяли, Новокизненск, Гул, Қўрғонча дуб заводлари бошқаларга «намуна» бўлмоқдалар. Улар ҳам бунинг учун анчагина миқдорда жарима тўлайдилар. Қарорнинг чиқарилишидан мақсад жарималар

ундириш эмас, балки ҳамма жойда атроф-муҳитнинг мусоффолигини таъминлашга эътиборни кучайтириш, бу муҳим ишдаги камчиликларни илжи борича тезроқ бартараф этишга қаратилганлигини яхши тушунамиз. Ортиқча ҳаражатларга йўл қўймамлигини истаган ҳар бир корхона, хўжалик раҳбарлиги табиатни муҳофаза қилиш ишлари кўламини кенгайтириши лозим.

Т. ОРИФХОНОВ,
Қўйичиқ тумани табиатни муҳофаза қилиш комитети раиси.

МЕҲРНИ ЁШЛИКДАН СИНГДИРАЙЛИК

ШАҲАРЛАРИМИЗ ва қишлоқларимизда, корхоналар-хўжаликларда экологик аҳволнинг ёмонлашиб кетганини кўздан кўриб муаммоларни келтириб чиқарди. Уларни ҳеч кечиктирмай ҳал қилиш зарур бўлиб қолди. Чунки, бу масалада лоқайдлик, бепарқиликнинг давом эттиши охири оқибатда жуда хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шундай муаммоларни ҳал қилиш йўлларида бири экологик таълимни пухта йўлга қўйишдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда бу масалага эътиборни ҳар томонлама кучайтириш лозим бўлиб қолди. Бундай ишни боғча, мактабдан кенг қўламда бошлаш керак. Чунки, ёшликдан она-табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда табиий бойликларга асраб-авайлаб муносабатда бўлиш кўникмаларини ҳосил қилади.

Яқинда эколог-табиатшунослик бўйича мактабдан ташқари муассасалар раҳбарларининг бўлиб ўтган республика кенгашида бу масала атрофлича муҳокама қилинди. Унда қатнашган республика вилоятлари ёш табиатшунослар, станцияларининг директорлари, «Экосан» уюшмаси, республика табиати муҳофаза қилиш комитети вакиллари ёшлар ўртасида экологик тарбияни тарғибот-ташвиқот ишларини яхшилаш, таълим-тарбия дастурида бу соҳа бўйича ўтиладиган дарслар сонини кўпайтириш, бунинг учун вилоятлардаги ёш эколог-табиатшунослар станцияларининг фаолиятини кескин яхшилаш, уларда табиатшунослар тўғрақларини кўпайтириш, уларнинг ишлари давр талаблари асосида қайта ташкил этиш, моддий негизини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларни ўртоқлашди. Республикада ёш эколог-табиатшунослар тўғрақлари сони 119 тага етди. Яшил патруллар сифатидаги ёшлар қаторида 15 минг ўқувчи бор. Ҳамма иш асосан ташаббускорлик негизига қўрилган. Ваҳоланки, ёш табиатшуносларни моддий рағбатлантириш

усулларини ҳам кенгроқ қўллаш даркорлиги алоҳида таъкидланди. Шу нуқтан назарда Тошкент, Хоразм вилоятлари ёш эколог-табиатшунослар станцияларининг ҳомийлар, жамоат ташкилотлари, табиати муҳофаза қилиш комитетлари билан ўтказилган кўриктанловлари ижобий баҳолашиб, уни кенг қўлланиш, экология мутахассисларини тайёрлашни кенгайтириш, экологик тушунчани ўқувчиларга сингдириш учун ўқув қўлланмаси чиқиши лозимлиги алоҳида ўқтилди.

— Ўсиб келаётган авлодни она-табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашни кучайтириш масаласи Ўрта Осиёдаги барча мустақил давлатлар ва Қозғистон ёш эколог-табиатшунослар станциялари жамоаларини ҳам ташвишга солмоқда, — деди кенгашда маъруза қилган республика эколог-табиатшунослар маркази раҳбари О. С. Мажидова. — Яқинда Қирғизистон пойтахти Бишкекда шу республикалар экологик йўналишдаги мактабдан ташқари муассасаларнинг зиммаларидаги хайрли ишни олиб боришда ҳамкорлигини кучайтириш масаласига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унда ўзаро шартнома тузилди. Бу ҳужжатда ёшларнинг экологик тарбиялаш бўйича иш тажрибаси ва услубиятини ўзаро баҳам кўриш, биргаликда экспедициялар ва лагерлар, оммавий тадбирлар ташкил этиш, тарғибот ва амалий фаолият олиб боришга келишилди. Эндики вазифа шу шартноманинг тўла бажарилишини таъминлаш лозим. Бунга вилоятлар, шаҳар, туманлар ёш эколог-табиатшунослар станциялари жамоалари ўз улушларини кўпишлари керак. Андижон ва Ош вилоятлари ёш табиатшунослар станцияларининг икки ўртада тузилган ўзаро шартнома асосида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари самараси у яхши бўлишидан далолат бериб турипти.

М. ҲАМИДОВ.



● Табиатнинг наққошлик санъатидан икки намуна.

БИОЛОГИК ИШЛОВ КЕНГАЙМОҚДА

ВИЛОЯТИМИЗ қишлоқ хўжалигида экинларга ишлов бериш, уларнинг зараркунандаларга қарши курашда биологик усуллардан фойдаланиш кенгайиб бораётганлигини мамнуният билан қайд қилиш лозим. Чунки шу вақтгача фойдаланиб келинган кимёвий моддалар тупроқни ҳам, етиштирилётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам, атроф-муҳитни ҳам керагидан ортиқча заҳарлаб юборди. Эндиликда бундай бепарқиликка йўл қўйиб бўлмайди. Агар у давом этадиган бўлса, оқибати жуда хунук бўлиши, насл-насабимизга ҳам салбий таъсир қилиши турган гап.

Шунинг учун ҳам бу усул эъдиликда қораланмоқда. Уни иложи борича қамроқ қўлланиш зарурати туғилапти. Бу биологик ишлов бериш усуллари ишлагилишини тақозо этмоқда. Шунинг ҳисобга олиб бу усулга эътибор кескин кучайди. Шунинг айтиш ки-фояки, бу йил 400 минг

гектардан ортиқ майдондаги қишлоқ хўжалик экинларига биологик усул билан ишлов берилди. Бу замонавий ва илғор усул ҳозирги вақтда вилоятимизнинг 110 жамоа хўжалиги, 98 давлат хўжалиги ва ижара жамоаларида жорий қилинган.

Вилоятимизда биология лабораториялари тармоғи йилдан-йилга кенгаймоқда. Ҳозирги вақтга келиб 39 та шундай бўлим ишлаб турибди. Уларнинг 10 таси хўжаликлараро лаборатория ҳисобланади. Бундан ташқари, жамоа хўжаликларига 22 та, давлат хўжаликларига эса 7 та лаборатория ташкил этилган. Бу лабораторияларнинг ҳаммаси жамоа ва давлат хўжаликларига балансидадир.

Бу йил биологик лабораториялар жамоалари катта қийинчиликларга дуч келдилар. Айниқса, етиштирилладиган фойдали ҳашаротларни турли хил озуқа билан таъминлаш жуда мушкул бўлди. Бундай маҳсулотлар умуман

келтирилмади ёки эҳтиёждан жуда кам олинди. Лекин уларга балли. Қийинчиликларга қарамай режани тўла удалашга муваффақ бўлдилар. Кўпчилик фойдали ҳашаротларни етиштириш топшириқлари ҳам тўла ва ошири билан адо этилди.

Биологик усулларни қўлланиш қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланишни йил сайин камайтиришга олиб келмоқда. Бу тадбир туфайли заҳарли кимёвий моддаларни ишлатиш 1988 йилдагига нисбатан деярли икки баравар қисқарди. Демак, атроф-муҳитнинг мусоффолигига салмоқли ҳисса қўшилди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида биологик усулни жорий қилишга эътибор бир кун ҳам сусаймаслиги лозим. Бу давримиз талабидир.

А. ҚУЗИЕВА,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Кўнглимиз тўлмаяпти

АВТОМОБИЛЬ транспорти корхоналари атроф-муҳитни ифлослантирувчи йиринк манба ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, транспорт воситалари кўп ҳолларда сифатли тайёрланмайдди. Муҳим қисмлари етарли созланмайдди. Айниқса, карбюраторларининг камчиликлари кўп бўлади. Уларни қанча бар-тараф қилишга уринма, барибир техник паспортдаги даражага етказиш қийин. Бунинг устига бензин, дизель ёнилғисининг ниҳоятда ифлослигини, белгиланган андозаларга ҳеч қачон жавоб бермаслигини қўшсангиз, масала янада аён бўлади. Шундай нуқсонлар туфайли транспорт воситаларида ёнилғи тўла аланга олмайди. Оқибатда ифлос, жуда кўп заҳарли моддалари таркибиде сақланган ҳолда ташқарига чиқарилади.

Лекин шунга қарамай ав-

тотранспорт корхоналарида атроф-муҳитнинг мусоффолигини яхшилашга ёрдам берувчи имкониятларни қидириб топиш ва ишга солиш лозим. Бизнинг жамоамиз шундай қилмоқда. Бу талаб даражасида бўл-маса ҳам ижобий натижалар берапти.

Корхонамиз атроф-муҳитни ифлос бўлишини камай-тириш учун фаол курашганлиги вилоят табиати муҳофаза қилиш жамиятининг фахрий ёрлиғига сазовор бўлди. Ўтган йили республика автомобиль транспорти вазирлиги ҳамда табиати муҳофаза қилиш жамияти республика кенгашининг раёсати жамоамизни пул мукофоти билан тақдирлади. Бунга биз табиати муҳофаза қилишдаги ютуқларимиз эвазига эришдик.

Ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, чора тадбирларни тобора кўпроқ амал-

га оширишга ҳаракат қилаймиз. 1991 йилда шу мақсад учун 537 минг сўм сарфлаган эдик. Бу йилнинг ўтган ўн ойида бу ҳаражат деярли миллион сўмни ташкил этди.

Автомобиллардан чиқарилган газнинг заҳарлилик даражасини текшириш доимий иш бўлиб қолди. Бунинг учун махсус «Инфралит» мосламасидан фойдаланяймиз. Камчилик аниқланса у зудлик билан бар-тараф этилади. Корхонамизда махсус дафтар тузилган бўлиб, унда автомобиль йўлга чиқиши олдинда чиқарилган газ тутунларининг зарарлилигини текшириш якунлари қайд қилинади. Агар четга оғиш аниқланса автомашинадаги бу нуқсон бар-тараф этилмасдан йўлга чиқарилмайди. Газнинг заҳарлилик даражаси талони ҳам жорий қилинди.

Қурилган иккита тиндир-

гич яхши самара бермоқда. Унда сувга аралашиб кетган нефть маҳсулотлари ажратиб олинади. Бу билан оқавалар тозаланмоқда. Автомобилларни ювиш станцияси ҳам ишлаб турибди. Бу ерда сув қайтадан фойдаланилади. Лекин, у ҳозирги вақтга келиб талабга жавоб бермай қўйди. Шунинг учун кенгайтиришни режалаб қўйдик.

Автомобилларни табиий газ асосида ишлашга ўтказиш ҳам муҳим тадбирлардан биридир. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда ҳамма автомобиль корхоналаридаги каби бизда ҳам унга эътибор кучаймоқда. 1990—1991 йилларда 38 та автомашина табиий газ билан ишлашга ўтказилган бўлса, ке-

йинги икки йилда яна 40 та машина суюлтирилган газ билан ишлашга ўтказилди. Бу ҳам экологик вазиятни яхшилашга ёрдам бермоқда.

Корхонамизда чиқиндиларни чиқариш меъёри дастури ишлаб чиқилди. Унда чиқиндиларни муайян даражада чиқариш учун рухсат берилган. Лекин, биз атроф-муҳит мусоффолигини янада яхшилаш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга оширишни давом эттираемиз. Чунки, эришган даража ҳали кўнглимизни тўлдирмапти. Бунинг учун керакли маблағларни аямай ажрата-

Э. АЗИМОВ,
Олмаликдаги 80-автомобил корхона директори.

УШБУ саҳифа материалларини вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси фан-техника тараққиёти ва тарғибот бўлими ҳамда «Тошкент ҳақиқати» ходимлари тайёрлашган.

(Боши 2-бетда).

- 13.35 Хоккей. Европа чемпионлари кубоги. Финал. 3-давр. Германиядан кўрсатилди.
- 14.15 «Тақдир ҳазили ёки Қушдек энгил бўлинг». Телевизион бадний фильм. 1 ва 2-сериялар.
- 17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
- 18.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БУЛСИН!

Жума, 1. I

УзТВ I

- 8.00 «Йилнома».
- 8.40 «Қиш манзаралари». Кинопрограмма.
- 9.10 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қулол ва хурмача». Бадний фильм.
- 10.30 «Эстрада калейдоскопи».
- 11.30 «Нақшнинг хумориман».
- 12.10 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Янги йил тилаклари».
- 18.00 «Мультипанорама».
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
- 19.20 «Билдирсой». Телефильм.
- 19.30 Телевизион миниатюралар театри.
- 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

- 18.25 «Матбуот-экспресс».
- 18.35 «Эфирда мусиқа». Янги йил сони.
- 19.50 «Эдемга қайтиш». Кўп сериали телевизион бадний фильм премьераси.
- 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
- 20.55 Эълонлар.
- 21.00 Янгилликлар.
- 21.25 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
- 21.40 «Мусиқий жиллолар».

- 22.10 М. Задорнов. «Билсангиз ҳазил...».
- 23.20 «Янги йил кечаси-93».
- 03.50 «Таъбирнома».
- «ДУБЛЬ IV»
- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 8.00 Хабарлар.
- 8.20 Ишбилармон ишилар даври.
- 8.50 «Гуффи-Геймс».
- 9.40 «Рост» студияси. «Бейфойда сабоқлар».
- 10.10 Ретро. «Композитор И. Дунаевский: ҳаёти, қўшиқлари, тақдир».
- 11.10 «Янги йил дайжести-92».

- 11.55 Кундузги сеанс. «Нейлон арча». Бадний фильм.
- 13.10 И. Корнелиус куйлайди.
- 13.50 «ТИНКО» Савдо уйи.
- 13.55 «Альбуцид». Янги йил томошалари.
- 14.50 Санъат майдони. «Мангу классика».
- 15.40 «Оқ қарга».
- 16.30 Уз ишининг усталари. «Мен бахтли инсонман».
- 17.30 Маза, таътиллр. «Мочарт» операцияси. Кўп сериали бадний телефильм премьераси. 4-серия.
- 18.00—22.30
- ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 22.30 Телеэкранда премьераси. «Олма». Бадний фильм. (АҚШ).
- 24.00 Янги йилинги билан!
- 00.05 «Маски-шоу».
- 00.35 Рақс марафони.
- 01.20 «Энзотина».
- 02.20 Кўзбоғловчилар клуби.
- 02.50 Катталар учун мультфильмлар.
- 03.10 «Джентльмен-шоу».
- 03.20 Тунги детектив. «Улининг қизил ниқоби». Бадний фильм (АҚШ).

Шанба, 2. I

УзТВ I

- 7.00 «Ассалому алайкум».
- 8.00 «Мно, болагинам Мно». Бадний фильм.
- 9.35 «Ўзбекистон спорти».
- 10.05 «Қўнғир айиқ ҳақида». Телефильм.
- 10.30 «Мукаррама опа ва 40 гўзал». Фильм-концерт.
- 11.20 «Ерилош». Болалар учун кўрсату.
- 11.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ўн саккизга кирмаган ким бор!».
- 17.55 Кўрсатулар тартиби.
- 18.00 «Ялқов», «Шалпанқулоқ», «Кучукча ва эски шиппак». Мультфильмлар.
- 18.30 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
- 19.20 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.

- 19.30 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий кўрсату.
- 20.30 «Туркистон» ахбороти.
- 21.00 «Марду майдон». Бизнес-шоу. Бухоро.
- 22.10 «Келлилар кўзгоини». Бадний фильм.
- 23.25 Эртанги кўрсатулар тартиби.
- УзТВ II
- БИШКЕК КўРСАТАДИ
- 16.05 «Мульт-шоу».
- 16.45 «Ўтиб бораётган йилинг охириги тун». Бадний фильм.
- 18.00 Концерт.
- 19.00 Хабарлар.
- 19.20 «Заманибиздин залкар актёри». Қирғизистон Республикасининг халқ артисти Советбек Жумадилов — 60 ёшда.
- 21.00 Хабарлар.
- 21.20 «Заманибиздин залкар актёри». Қирғизистон Республикасининг халқ артисти Советбек Жумадилов — 60 ёшда [давоми].
- «ОРБИТА IV»

- 7.40, 21.20, 00.35 — Кўрсатулар тартиби.
- 7.45 Эрталабки гимнастика.
- 7.55 Янгилликлар.
- 8.30 «Спорт-имконият».
- 9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга.
- 9.25 Экологик шарҳ.
- 9.40 «Марказ».
- 10.10 «Мусиқий сайл».
- 10.30 «Иш».
- 11.00 «Бумеранг».
- 11.30 «Шанба кунги дастхата».
- 12.00 «АБВГД—ЛТД» телесериали премьераси. 11-серия.
- 12.30 «Венадан Янги йил таъриги».
- 14.50 «Технодром».
- 15.00 Янгилликлар.
- 15.20 «Мушкетёрлар орадан йигирма йил ўтгач». Тўрт сериали телевизион бадний фильм премьераси. 2-серия.
- 16.35 «Ультра-си».
- 17.35 «Қизил квадрат».
- 18.15 «Колумбия пикчерс» таништирадиган. «Оливер». Бадний фильм (АҚШ).
- 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

- 20.55 Эълонлар.
- 21.00 Янгилликлар.
- 21.25 «Қувноқлар ва топқирлар клубида Янги йил кечаси».
- 23.25 «Эфирда мусиқа».
- 24.00 Янгилликлар.
- 00.40 «Хит-топ-шоу 50х50».
- «ДУБЛЬ IV»
- 8.00 Хабарлар.
- 8.20 «Гувоҳлар хузурида ликама-лика». Лора Квинт.
- 8.55 Мульт-пулти.
- 9.20 «Онлавий учрашулар».
- 10.15 «Тўзи-шоу».
- 11.00 «Ҳали англамаган кинот».
- 12.00 Кундузги сеанс. «Жаҳонгашталики эртаги». Бадний фильм.
- 13.40 «Фаришталар хори».
- 14.00 «Бурда моден» тавсия этади.
- 14.30 «Доразмон». Мультфильм премьераси. 16-серия.
- 14.45—17.25
- ЎЗБЕКИСТОН
- ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
- «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
- 1. «Дўстлик» студиясининг меҳмони — Ўзбекистон Республикаси куралли ичуларининг ашула ва рақс ансамбли.

- 17.55 Эълонлар.
- 18.00 Хабарлар.
- 18.20 Эълонлар.
- 18.25 Маза, таътиллр. «Мочарт» операцияси. Кўп сериали бадний телефильм премьераси. 5-серия.
- 18.55—21.10
- ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 21.10 Жума кунлари Уолт Диней. «Рождество юлдузи». Бадний фильм. 2-серия.
- 22.00 Хабарлар.
- 22.20 Эълонлар.
- 22.25 «К-2» таништирадиган: «Алвидо, СССР». Хужжатли фильм.
- 23.30 «Осойишта уй». Кўрсатуани С. Шолохов олиб боради.
- 00.15 Эълонлар.
- 00.20 Б. Брунов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган кўрсату.

Якшанба, 3. I

УзТВ I

- 7.40 «Тандир, арча, олов». Телефильм.
- 7.15 «Ёр ва дёнб тароналари».
- 8.00 «Туркистон» ахбороти.
- 8.30 Болалар учун фильм. «Нозик-ноҳол малика».
- 9.55 «Қизил Яримой шўласи».
- 10.25 «Единома». Холлиёр Даминов.
- 10.45 «Эл хизматида».
- 11.15 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ўзининг эр билсанг...».
- 12.00 «Инсон ва замин».
- Тижорат канали:
- 13.00 «Ялламанинг 60 баҳори». Чиноз ноҳияси Я. Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳақида.
- 13.45 «Сарҳисоб». А. Навоий номли жамоа хўжалиги нш таърибасидан.
- 17.55 Кўрсатулар тартиби.
- 18.00 «Кичкинтой» студияси кўрсатади.
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
- 19.20 «Мозийга қайтиш». Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги олдидан.
- 20.00 Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов куйлайди.
- 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 21.00 «Наштар» — меҳмонимиз.
- 21.40 «Тоҳир ва Зухра». Бадний фильм.
- 23.20 Эртанги кўрсатулар тартиби.
- УзТВ II
- БИШКЕК КўРСАТАДИ
- 17.35 «Кузька учун уй», «Спорт». Мультфильмлар.
- 18.00 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт.
- 19.00 Хабарлар.
- 19.20 «Канзак Изаура». Кўп сериали бадний телефильм. 10-серия (рус тилида).
- 20.20 «Ала-Тоо шани». Республика фольклор-этнографик ансамбллариининг кўрик-танлови. Якуновчи концерт.
- «ОРБИТА IV»
- 6.50, 15.15, 22.45 — Кўрсатулар тартиби.
- 6.55 «Рухни чиниқтириш».
- 7.55 Янгилликлар.
- 8.30 Эрталабки гимнастика.
- 8.40 «Спортлото» тиражи.
- 9.00 «Эрта сахарлаб». «Денвер» — динозаврларининг энг охиригиси. Кўп сериали мультфильм премьераси.
- 9.30 «Ҳозирча ҳаммаси жойида».
- 10.00 «Тонг юлдузи».
- 10.50 Қадимий сахий эртаклр. «Қизил гула».
- 12.05 П. Нерсесьян чалади [Фортепиано].
- 12.15 «Тиббиёт сиз учун».
- 12.55 «АБВГД—ЛТД» телесериали премьераси. 12-серия. «КТВ-1» ҳамда «Франс интернациональ» канали таништирадиган.
- 13.25 «Пиф ва Геркулес». Кўп сериали мультфильм премьераси.
- 13.35 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп сериали хужжатли фильм премьераси.
- 14.25 «Эрмитаж». Кўп сериали телефильм премьераси. 1-серия.
- 15.00 Янгилликлар.
- 15.20 «Мушкетёрлар орадан йигирма йил ўтгач». Тўрт сериали телевизион бадний фильм премьераси. 3-серия.
- 16.35 «Хунарли хор бўлмайдиган».
- 16.40 «Максима».
- 17.10 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсату.
- 17.50 Мультфейерверк: «Каспер ва унинг дўстлари» [Англия], «Шарпа оловчилар» [АҚШ].

- 18.45 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).
- 19.00 «Қойилмақом эттовлон».
- Якшанба кинокўрсатуви
- 20.00 «Киношарҳ».
- 20.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Валтасар базмлари ёки Сталин билан бир тун». Бадний фильм [«Лада» экспериментал ижодий бирлашмаси].
- 21.55 Эълонлар.
- 22.00 Якунлар.
- 22.50 «Олтой. Янл фасллари». Телефильм.
- 23.00 «Даврани кенгроқ олинг». Янги йил кўрсатуви. Танаффус пайтида [24.00] — Янгилликлар.
- 01.05 Париж — Дакар автораллиси.
- «ДУБЛЬ IV»
- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 8.00 Хабарлар.
- 8.20 Спорт олами «Жиллетт» фирмаси ингоҳи билан».
- 8.50 «Сиз яратган бог».
- 9.20 Фольклор. «Рождество».
- 9.50 «Рост» студияси. «Эсни тегиримон». 2-кўрсату.
- 10.20 «Кироллиндаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм.
- 10.50 «Ати-бати...».
- 11.20 Телероссворд. «Музбиржа».
- 11.50 «Познер ва Донахью».
- 12.20 Россиянинг телевизион театри. Ж.-Б. Молер. «Хасис». 1-серия.
- 13.45 Ж.-Б. Молер. «Хасис». 2-серия.
- 14.55—17.10
- ЎЗБЕКИСТОН
- ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
- «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
- 1. «Замандас» (нозоқ тилида).
- 2. «Аноргул». Ўзбек зардўлари ҳақида.
- 3. «Рангиннамон» (тожик тилида).
- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 17.10 Уолт Динейнинг соҳрли олами. «Винни-Пухнинг янги саргузаштлари». «Қора плашча». Мультфильмлар.
- 18.00 Хабарлар.
- 18.20 Эълонлар.
- 18.25 Маза, таътиллр. «Мочарт» операцияси. Кўп сериали бадний телефильм премьераси. 7-серия.
- 18.55—23.00
- ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 23.00 Голливуд классик фильмлари фестивали.
- 00.40 «Петерс-поп-шоу».
- «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 25 декабрь соидан олинди.

- 18.45 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).
- 19.00 «Қойилмақом эттовлон».
- Якшанба кинокўрсатуви
- 20.00 «Киношарҳ».
- 20.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Валтасар базмлари ёки Сталин билан бир тун». Бадний фильм [«Лада» экспериментал ижодий бирлашмаси].
- 21.55 Эълонлар.
- 22.00 Якунлар.
- 22.50 «Олтой. Янл фасллари». Телефильм.
- 23.00 «Даврани кенгроқ олинг». Янги йил кўрсатуви. Танаффус пайтида [24.00] — Янгилликлар.
- 01.05 Париж — Дакар автораллиси.
- «ДУБЛЬ IV»
- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 8.00 Хабарлар.
- 8.20 Спорт олами «Жиллетт» фирмаси ингоҳи билан».
- 8.50 «Сиз яратган бог».
- 9.20 Фольклор. «Рождество».
- 9.50 «Рост» студияси. «Эсни тегиримон». 2-кўрсату.
- 10.20 «Кироллиндаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм.
- 10.50 «Ати-бати...».
- 11.20 Телероссворд. «Музбиржа».
- 11.50 «Познер ва Донахью».
- 12.20 Россиянинг телевизион театри. Ж.-Б. Молер. «Хасис». 1-серия.

- 2. «Тошиент — дўстлик шахри».
- 3. «Бизнен мирас» (татар тилида).
- 4. «Умид» (уйгур тилида).
- 5. «Инод бўсағасида».
- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 17.25 Маза, таътиллр. «Мочарт» операцияси. Кўп сериали бадний телефильм премьераси. 6-серия.
- 17.55 Эълонлар.
- 18.00 Хабарлар.
- 18.20 Мульт-пулти.
- 18.30 Янги йил пироги.
- 18.40 Телеэкранда премьераси. «Мадо, талаб қилиб олгунча». Бадний фильм (Франция—Россия).
- 20.25—00.25
- ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 00.25 Тунги сеанс. «Бўрибосар». Бадний фильм.

ҚИЗЛАР БИЛИМ ЮРТИДА

● ТОШКЕНТДАГИ 46-ўрта хунар-техника билим юртини чиндан ҳам қизларнинг илму урфон маскани дейишди. Талабалар бу ўқув юртида тикувчилик ва бичувчилик касблари юзасидан

билим ошириш билан бирга расм чизиш, чизмакашлик, технология ва эстетика бўйича махсус малака ҳам оширишди. СУРАТЛАРДА: билим юрти ҳаётидан лавҳалар. Р. АЛБЕКОВ олган суратлар.



АРЧА БОЗОРЛАРИ ОЧИЛДИ

Собиқ Иттифоқ республикалари ўртасидаги иқтисодий алоқалар узилгани оқибатида Ўзбекистонга янги йил байрамига аталган анъанавий арчалар келмайди, деган гаплар пучга чиқди. Шу кунларда ям-яшил арчалар билан савдо қилиш бошланди. Ўзбекистонга 73 мингтага яқин арча келтирилди. Кўп миллионли аҳоли учун бу камлик қилади албатта. Аммо Ўзбекистондаги кўп оқлалар Янги йилни арча безатиб кўтиб оладилар.

Авалги йиллардан фарқи равишда республика шаҳарларига бу йил бевосита тузилган шартномалар асосида арча келтирилмоқда. Улар Россиянинг турли минтақаларидан: Архангельск, Киров, Екатеринбургдан жўнатилмоқда. Егач кесувчилар сўм билан ҳақ тўлашдан ташқари ўрнига-ўрни мол бериши, яъни мавозий (бартер)ни талаб қилмоқдалар. Ўзбекистон вилоятларида арча турли нархда сотилаётганлигининг сабаби ҳам шунда. Масалан, Тошкентда бўйи бир метр келади-

ган арча 100 сўмдан 150 сўмгача турса, Фарғонада 200 сўмдан сотилади. Янги йил арчаси қанчалик олисдан келтирилиши ҳам ҳисобга олинади.

Республика савдо ташкилотлари арча етказиб берувчилар билан июль ойидаёқ шартнома туза бошлаган эдилар. Кузнинг бошларида уларга пул ўтказилди. Афсуски, ўтказилган пуллارнинг кўпи етиб бормади. Шу сабабли арча харид қилишни хоҳлайдиган ҳамма одамларнинг талабини қондиришининг иложи бўлмади.

Арча савдоси тўғрисида гапирсак, Тошкентнинг ўзида ўнта гаважум жойдаги распада савдо қилинади. Жумладан, «Болалар дунёси» магазини олдида, Мустиқиллик, Чорсу майдонларида арча сотилади.

Арча етмай қолган кишилар ҳафа бўлмасинлар, республика магазинларида сунъий арчалар ҳам сотилмоқда.

Л. ЛЕВИН,
ЎЗА мухбири.

ЭЪЛОН

Чет эл юмшоқ мебели: яшаш хонаси ва бошқаларни

СОТИБ ОЛАМАН

Инглиз, араб тилларини ўзбек тилида ўргатадиган репетитор

ИЗЛАЯПМАН

Ташкилот «Волга» — ГАЗ 24-10 ёки ГАЗ-31

СОТИБ ОЛАДИ

ТЕЛЕФОНЛАР: 48-16-24, 48-15-62, 47-43-51.

ҚИДИРИЛМОҚДА



Белгилари: бўйи 165—167 сантиметр, ўртача гавдали, юз тузилиши корейсларга хос, қора қалта сочларига оқ оралаган, бурни қизил ва тўмтоқ, юқори жағидаги тишлари тушиб кетган, пастки жағидаги бир нечта тиш тилладан.

Алоҳида белгилари: белди «мир победит войну», қўлида «помню мать родную» ёзувлари ва юракни тешиб ўтган ёй, тиззасидан юқорида эса «қушча» тасвири татуировкалари бор.

Уни қаердалигини билганлардан ёки кўрганлардан яқин атрофдаги милиция бўлимига ёки «02», 65-82-30 рақамли телефонларга қўнғироқ қилишларини сўраймиз.

Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси бедарак йўқолган, Оҳангарон шаҳрида истиқомат қилувчи, 1932 йилда туғилган Алексей КИМни қидирмоқда. А. Ким шу йилнинг 17 ноябрида давлат белгиси П 2027 ТШ бўлган ВАЗ—2106 маркали тўқ яшил рангли шахсий автомашинасида уйдан чиқиб кетганча қайтмаган.

Ҳар тўғрида

ЧЕКУВЧИЛАРГА ҚАСД

● КЕЛАСИ йили француз кашонделари ё бир қути сигарет учун кўп пул тўлашди, ёхуд бу ёмон одатни ташлашга мажбур бўлишди. Кашандаликка қарши кураш тadbирини изчил давом эттираётган ҳукумат барча тамаки маҳсулотлари баҳосини 30 фоизга оширишга қарор қилди. Бу тadbир икки босқичда — 1993 йилнинг январь ва май ойларида ўтказилади.

Мухаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент станциясидаги темирўлчилик клиник касалхонасининг жамоаси касалхона бош шифокори, Ўзбекистон халқ депутети, Республикада хизмат кўрсатган шифокор, Соғлиқни сақлаш аълочиси, фахрий темирўлчи

Лутфулла
ТОЖИХОНОВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оила аъзоларига ҳамда яқинларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг маданий ва тарихий ёдгорликларни сақлаш бош бошқармаси Тошкент вилояти ёдгорликларни сақлаш идорасининг бош назоратчиси

Мирҳосил ЮНУСОВНИНГ

фожиали вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.